



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyojev Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini takomillashtirishda korrelyatsion tahlil xususiyatlari	154
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	161
Ойбек Мадатович Эсанов Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари	167
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шодиёр Абдихалилович Султонов Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	171
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ишлаш технологияси	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Инатилло Убайдуллаевич Нематов Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	181
Iroda Yormamatovna Beknazarova Ingliz tilini muammoli o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda o‘rgatish	188
АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	
Shohista Bobobekovna Toyirova Muhofaza qilinadigan hududlarning tashkil etilishining jamiyat va tabiat munosabatlaridagi ahamiyati	191
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Ҳақиқий бахт Донишмандлар айтган саккизта ҳикматлар	197

ИБРАТЛИ БИТИКЛАР

ҲАҚИҚИЙ БАХТ

Исо алайҳиссалом бир дарахтнинг соясида дуо қилиб ўтирган одамни кўриб, унга яқинлашдилар. Қарасаларки, одамнинг икки кўзи кўр, оёқлари шол, баданини йирингли яралар босган... лекин юзида ажиб бир бахт ёлқинланар, қўлларини дуога очган кўйи, ҳаяжондан титраб дуо қилар эди:

-Эй не-не бадавлатларга бермаган неъматини менга бериб, сийлаган Раббим! Сенга дунёдаги барча дарахтларнинг япроқлари қадар шукрлар бўлсин!

Исо алайҳиссалом бу одамнинг ёнига чўккалаб, сўрадилар:

-Эй биродар, кўряпманки юриш бахтидан маҳрумсан, кўзларинг кўрмайди. Шунга қарамай, не-не бадавлатларга берилмаган неъматнинг ўзингга берилганидан сўзлаяпсан, шукрона келтиряпсан. У қайси неъматдир, менга сўзлармисан?

Одам овоз келган томонга ўгирилди:

-Биродар, Аллоҳим менга шундай қалб бермишки, бу қалб орқали Уни танидим. Шундай бир тил бермишки, бу тил билан Унга шукрлар айтаман. Ҳолбуки, дунёнинг энг қийматли бойликлари берилган неча-неча кишилар бор – қалбларида Аллоҳни танимоқ севинчи, тилларида шукр этмоқ бахти йўқдир. Аммо, ўзингиз кўриб турганингиздек, кўр кўзли, оёқлари шол, баданини йирингли яралар босган бир кулига Раббим шундай бир СЕВГИ эҳсон этмиш ва бу неъматнинг фарқига бориш тафаккурини насиб айламиш. Кеча-кундуз бунинг шукрини адо этиш билан машғулман, бу менинг бурчимдир...

Бу сўзлардан Исо алайҳиссаломнинг муборак қалблари тўлқинланди, кўзлари ёшга тўлди. У одамнинг бошини кучоқларига олиб, кўзларидан ўпдилар ва «Оч кўзларингни, эй севиқли кул», дея буюрдилар. Одам кўзларини очиб, умрида биринчи бор ёруғ дунёни кўрди. Ҳаяжондан титраб, қаршисидаги Исо алайҳиссаломнинг қўлларига ёпишди ва:

-Сиз ўлиқларни тирилтирувчи, хасталарга шифолар бахш этгувчи, мўъжизалар соҳиби Исо алайҳиссаломмисиз? – дея сўради. Тасдиқ жавобини олгач, йиғлаб, Раббига яна шукрлар айта бошлади. Исо алайҳиссалом унинг елкаларини силаган эдилар, баданидаги йирингли яралар ғойиб бўлди. Қўлларидан тутиб, «Тур ўрнингдан» деган эдилар, шол оёқлар жонланди. Одам хурсандчиликдан бир он ўзини йўқотиб қўйди. Кейин ўзига келиб, дедик:

-Эй Аллоҳнинг набийси! Сиздаги бу мўъжизаларнинг ҳам Яратганнинг Ўзи бермишдир. Мени сизга йўлиқтирган ва шифо берган ҳам Удир. Шундай экан, изн беринг, мен шукр этмоққа кеч қолмайин. Ўзига қанча шукр қилсам ҳам камдир...

Одам юзини тупроққа кўйиб:

-Раббим! Сени таниган бир қалбнинг, шукр этгувчи тилнинг шукрини муносиб адо этишдан ожиз ҳолимда, менга кўргувчи кўз ва юргувчи оёқлар, сиҳатли бадан ҳам лутф этдинг. Бу беназир неъматлар шукрини қандай адо этишни билмайман, ўзинг ёрдам бер, ё Раббим! – дея йиғлай бошлади.

Бу орада атрофда тўпланган халойиқ Исо алайҳиссаломнинг яна бир мўъжизаларини ўз кўзлари билан кўрган ва у зотнинг қўлларини ўпмоқ учун бир-бирларини итариб, ғала-ғовур кўтарар эдилар. Аллоҳнинг набийси қўлларини юқори кўтариб, халойиқни тинчлангирдилар ва:

-Менинг эмас, мана бу саждадаги одамнинг қўлларини ўпинлар. Уни саждага бош қўйдирган ва тилини шукрга тўлдирган неъматларга биз туғилганимиздан бери соҳибмиз. Аммо ҳеч биримиз у туйган бахтни туёлмадик! - дедилар, йиғладилар... Тафаккур қилинг!

Интернет материаллари асосида Мамаюнус Пардаев

ПАСТКАШЛИК

Эркак киши болаларини олиб қолиб, хотинини хорижга пул топиб келиш учун жўнатиб, унинг жўнатган пулларини йиллар давомида еб-ичиб, қайтиб келгандан сўнг “Фалончи билан юрибсан”, деб ҳайдаб юбориш ўта пасткашлик.



ҚАЙСИ ИШ ОСОН?

Китоб ёзишми ёки уни ўқиш?

- Китоб ёзадиганлар хоҳиш билан ёзади, чунки унинг қўлидан шу иш келади. Шунинг учун китоб ёзиш – осон.

- Китоб ўқиш ҳамманинг қўлидан келади, аммо бу ишни хоҳламаса, бундайларга ўқитишдан қийин иш йўқ.



УСТОЗГА ХУДОДАН ҚАЙТГАНИ

Бир толиби илим жуда ўқишни хоҳларди. Аммо ўқиш учун яшашга маблағи йўқ эди. Буни устозига айтган эди, у киши ўзининг уйдан жой бериб, уни ўқитди. Талаба ўқишни битириб юртига қайтиб кетди.

Орадан анча йиллар ўтгач устоз бетоб бўлиб қолди. Аммо ушбу касалликни даволаш фақат хорижда амалга ошириладиган ва бунинг учун катта маблағ керак бўлди. Устозда бунинг имкони йўқ эди.

Собиқ талаба жуда катта бойликка эга бўлиб кетганлиги туфайли ҳар йилги эҳсонини одамларнинг хорижда оғир касалликлардан даволаниши учун сарфлар эди. Шу йил ҳам шундай бўлди, аммо бу йилги эҳсони айнан ўзини ўқитган устозини даволашга тўғри келибди. Устоз ўзининг ҳалол меҳнати учун Яратгандан мукофот олганлиги, даволанганлиги учун, ўзини бахтиёр ҳис қилиб, соғайиб кетган экан.

Бу ҳаётини дунёни бежиз – қайтар дунёда, демаган. Мана яхшилик энг зарур пайтида ва ўз вақтида қайтди. Ёмонлик ҳам худди шундай – қайтади. Хулоса ўзингиздан.



ДОНИШМАНДЛАР АЙТГАН САККИЗТА ҲИКМАТЛАР

1. Оллоҳ ҳамма жойда бир вақтнинг ўзида бўлолмаганлиги туфайли, инсониятнинг омонлиги учун Онани яратган экан.

2. Муаммони пул билан ҳал қилиш мумкин бўлса, бу муаммо эмас – фақат харажат, деб баҳолаш мумкин.

3. Одамларга иккита қулоқ ва битта оғиз берилган. Шу туфайли кўпроқ эшитиш ва эшитганларига нисбатан икки баробар камроқ гапириш керак экан.

4. Қўрқиб ўлганга нисбан, қулиб ўлган афзал.

5. Тажриба одамларнинг шу ишда хато қилдик, деб гапирган гаплари, пушаймонларининг йиғиндисиدير.

6. Айрим одамлар ҳамиша пулим йўқ деб нолийди, аммо ҳеч ким ақлим йўқ, деб ўйламайди ҳам.

7. Оқсочлик фақатгина қарилик белгиси, холос. У донишмандликка даво қиладиган белгиси эмас.

8. Кекса одамнинг кўриши хиралашади, аммо кўп нарсани кўра олади.



Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023